2011 ЙИЛ 18 МАРТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 55—56 (11.866—11.867) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Наврўз — бутун Ўрта Шарқ халқларига хос чинакам байналмилал, халқчил байрамдир. Унинг шаклланиши, неча минг йиллик тараққиётига аждодларимизнинг қўшган ҳиссаси улкан ва беқиёсдир. Наврўз мустақиллик даврида анъанавий асосларни тиклаш ва ривожлантириш йўлидан бориб, ўзига хос маданий-бадиий қадрият сифатида шаклланди. Миллионлаб кишиларда бир хилда байрамона кайфият, кўтаринки руҳ уйғотиб, уларни бирлаштиришга хизмат қилди.**



## НАВРЎЗ — ЭЗГУЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ

Наврўз — йил янгиланадиган, табиат уйғонадиган айём бўлиб, далага яхши ният билан барака уруғини қадайдиган бободеҳқонлар ҳамда қўйқўзиларини серўтлоқ яйловларга ёядиган тажрибали чорвадорлар учун янги меҳнат мавсуми бошланишидир. Наврўз ҳар бир юртдошимизнинг қалбида эзгу орзулар чаманзорида ажиб бир янгиланиш насими пайдо бўладиган бир даврда нишонланади.

Наврўзи олам ўз моҳиятига кўра тозариш, руҳий покланиш ва ҳаётнинг боқийлигини тараннум этиш тантанаси сифатида ҳар биримизнинг юрагимизга яқин, вужудимизда оқаётган ҳаётбахш жилғаларни бир-бирига пайванд қиладиган ажиб бир фасл. Эзгуликни тараннум этадиган бу қадимий байрам элу юртни бирлаштиради. У одамларни бунёдкорликка ундайди, яратувчилик мақсадида бошланган ҳар бир ишга унум бахш этади, дилларни меҳр-мурувват шамчироғининг барҳаёт нури ила ёритади.

Асрлар давомида бу фусункор шодиёна яшариш ва янгиланиш, ҳаётнинг боқийлигига имон келтириш тантанаси бўлиб келган. Халқимиз ўзлигини танибдики, янги йилни баҳорий тенгкунликдан бошлашга, Қуёш ҳамал буржига кирадиган кунни байрам қилишга одатланган. Фасллари алмашадиган, диллар яйрайдиган бу шодиёна халқимиз ҳаётига шу қадар сингиб кетганлиги туфайли у билан боғлиқ турфа хил дилрабо куй ва қўшиқлар, афсона ва ривоятлар, маросим ва анъаналар келиб чиққан. Шунинг учун Наврўз фақатгина йилбоши байрами эмас, айни пайтда зукко аждодларимизнинг беқиёс тафаккур дурдоналарини ўз ичига қамраб олган маънавий қадрият ҳамдир. Қадим аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор амаллари, самовий ёритгичлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг сермазмун вазифасини ўтаган эътиқодий қарашлар Наврўз байрамининг юзага келишига асос бўлган.

Наврўз байрами айнан кўкламги тенгкунликда, қиш ва баҳор алмашиғида, бутун борлиқ уйғонадиган фароғатли дамда тантана қилинган. Ушбу байрам ўз таркибига бойчечак, лола, қизил гул, қизғалдоқ билан алоқадор «гул сайиллари», йилнинг охирги чоршанбасида ўтказилган «охир чоршанба» удуми, ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган ҳашар анъанаси, йилбоши арафасида қилинадиган «қозон тўлди» удуми, илк кўкламда далага биринчи марта қўш чиқириб, дон экиш одати, етти хил дондан «Наврўз гўжа» пишириш ҳамда етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш одати, арғимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учириш, қўчқор, хўроз уриштириш анъаналарини ҳам ўз ичига олган муҳташам миллий қадриятимиз ҳисобланади. Бу удум ва анъаналарнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари ётади.

(Давоми 2-бетда)

## Наврўз-2011

### ЧЖАН ВЭЙ:

## ХИТОЙ — ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ УЗОҚ ТАРИХ ВА МУСТАҲКАМ АСОСЛАРГА ЭГА

**Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Чжан ВЭЙ билан суҳбатлашди.**



**— Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболи ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик...**

— Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар узоқ тарих ва мустаҳкам асосларга эга. Хитой — Ўзбекистон алоқалари ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин давлатларимиз раҳбарларининг улкан эътибори ва ташаббуслари самарасида барқарор ривожланмоқда. Турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик мамлакатларимизнинг барқарорлик ва тараққиётга эришиш борасидаги манфаатларига тўла мосдир.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотлар фаол давом этаётганини алоҳида қайд этишни истардим. Сўнгги етти йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао саммитлар ва халқаро анжуманлар давомида етти марта учрашди. Олий ва юқори даражадаги фаол мулоқотлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Иқтисодий соҳада ҳам мамлакатларимиз ҳавас қилса арзигулик муваффақиятларга эришмоқда. Зотан, бу борада Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам барча зарур имкониятларга эга. Хусусан, савдо, энергетика, қурилиш инфратузилмаси тармоқларидаги ўзаро амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан икки мамлакат ҳам манфаатдордир. 2004 йили давлатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 750 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 2 миллиард доллардан ошди. Хитой Ўзбекистонга сармоя киритаётган мамлакатлар орасида биринчи, юртингизнинг савдо шериклари орасида эса иккинчи ўринда туради. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2010 йили Ўзбекистоннинг Хитойга экспорти ҳажми 2009 йилдагига нисбатан 84 фоиз ўсди.

Мамлакатларимиз ўртасида гуманитар йўналишда ҳам икки томонлама алмашув ва ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда. Хитойга таълим олиш, саёҳат қилиш учун ташриф буюраётган Ўзбекистон фуқароларининг сони тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, Хитойдан Ўзбекистонга бадиий ва илмий йўналишда фаолият юритувчи делегациялар вакиллари ҳам тез-тез ташриф буюрмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Хитой ва Ўзбекистоннинг кўплаб халқаро ва минтақавий масалаларга қарашлари ўхшаш ва бир-бирига яқиндир. Мамлакатларимиз кўп томонлама муносабатларда, жумладан, БМТ ва ШҲТ доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келади, халқаро ва минтақавий масалаларда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлайди, тинчлик ва барқарорликни сақлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Йиллар давомида тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг барқарор ривожланиши нафақат икки мамлакат халқларининг туб манфаати ва умумий хоҳишига мос, балки минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга ҳам хизмат қилаётир. Ўзаро алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни жадал давом эттириш эзгу вазифалардандир.

Жорий йилда Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланади. Ўтган давр мобайнида Президент Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати самарасида Ўзбекистон тараққиётнинг энг тўғри йўлини танлади ва давлат мустақиллиги, суверенитети ва хавфсизлигини мустаҳкамлаб, изчил иқтисодий ривожланишга эришди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда инқирозга қарши самарали чораларнинг амалга оширилгани мамлакатни иқтисодий бўҳрон зарбаларидан ишончли ҳимоя қила олди. Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларини сақлаб қолди. Бу омиллар Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёдаги нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда. Минтақадаги етакчи мамлакат сифатида Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш борасида муҳим роль ўйнайди.

(Давоми 2-бетда)

## 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида ёшлар ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.**

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази директори М.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз ёшларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилинаётгани уларнинг эзгу интилишларини рўёбга чиқаришга, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада кенг имконият ва шароитлар яратмоқда.

Бу жараёнда ёшларни, аввалambор, ўрта махсус, касб-ҳунар билим даргоҳлари ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар ана шундай битирувчи ёшлар билан меҳнат шартномаси тузганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган норматившдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар сақланиб қолади.

Давра суҳбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига оид маърузалар тингланди. Талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Жамиятни демократлаштириш жараёнида раҳбар аёллар ролини фаоллаштириш» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида Архив иши бошқармаси билан ҳамкорликда «Архив иши тўғрисида»ги Қонун ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

✓ **ШАЙХОНТОҲУР** туманида фаолият кўрсатаётган «Flora Mebel» масъулияти чекланган жамияти цехлари банкдан олинган молиявий кўмак ҳисобидан юксак унумли хорижий технологик линиялар билан жиҳозланди ва уларнинг қувватидан самарали фойдаланиб рақобатбардош мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Дўмбробод» маҳалла гузарида нафосат айёмига бағишланган «Ассалом, Наврўз!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан республика «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида илгари сурилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама этилди.**

**• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Иқтисодиёт вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

**• Қашқадарё вилоятидаги «Қамашидон» очиқ акциядорлик жамиятида унни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бу ерда банкнинг 198 миллион сўмлик кредити эвазига 10 га яқин турдаги маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган хорижий ускуналар келтириб ўрнатилди. Натижада корхонада қисқа муддатда қарийб 15 тонна ун қайта ишланиб, истеъмолчиларга сифатли нон маҳсулотлари етказиб берилди.**

**• Нукус туманида мева-узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тижорат банклари вакиллари, фермер хўжаликлари ҳамда агрофирмалар раҳбарлари иштирок этди.**

**• Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида энергия тежовчи замонавий чироқларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Maxwell Star Lixt» корхонаси фойдаланишга топширилди. Бир кеча-кундузда 2 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонага 20 киши ишга қабул қилинди.**

### ЖАҲОНДА

**• Бутунжаҳон банки Озарбойжонга молия соҳасини ривожлантириш учун 12 миллион долларлик заём ажратди.**

**• АҚШ конгрессменлари Афғонистондан ҳарбийларни зудлик билан олиб чиқиб кетиш талаб этилган резолюция лойиҳасини рад қилди.**

**• Кеча Арманистон пойтахти Ереванда ижтимоий-сиёсий соҳаларда ислоҳотлар ўтказилиши ва мамлакат бош вазирининг истеъфога чиқишини талаб қилган ҳолда мухолифатнинг кўп минг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди.**

**• Кеча бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Нью-Йорк хом ашё биржасида WTI русумли нефтнинг нархи 3,44 долларга ошиб, бир баррели 101,42 долларни ташкил этди. Лондонда ўтказилган савдоларда эса Brent русумли нефтнинг нархи 4,30 долларга кўтарилди ва бир баррели 114,90 доллар миқдорида қайд этилди.**

**• Япониядаги инқироз туфайли бутловчи қисмларнинг етишмаётганлиги боис «Женерал моторс» автомобилсозлик компанияси ўзининг Луизианадаги заводини вақтинчалик ёпишга мажбур бўлди.**

**• Кеча Камчатканинг шарқий қирғоғида 5,2 балли зилзила рўй берди. Ер қимирлаши оқибатида қурбонлар ва вайронагарчиликлар бўлмади.**

**• Кот д' Ивуардаги бозорда рўй берган отишма қурбонлари сони 25 кишига етди.**

**• Халқаро футбол федерацияси — ФИФА президенти Йозеф Блаттер шу йилнинг июнь ойида бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловларда ўз номзодини яна бир муддатга қўйишини билдирди. Ҳозирда Блаттер ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида Осиё мамлакатларига сафар қилмоқда.**


Ўзбекистон почтаси
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси
кўкламнинг беғубор нафаси уфуриб
турган паллада барча
юртдошларимизни эзгулик, бағрикенглик
ва нафосат байрами — Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади.
O'ZBEKISTON POCHTASI
Хонадонларингиздан меҳру оқибат, файзу барака
аримасин. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша
мусаффо бўлсин!
Наврўзи олам
барчангизга муборак бўлсин!


ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
БАДИИЙ КЎРГАЗМАЛАР ДИРЕКЦИЯСИ
ЖАМОАСИ
эзгулик, яшариш
ва янгиланиш,
хайру саховат
байрами — Наврўз
айёми билан
барчангизни
самимий
муборакбод этади.
Сизларга соғлиқ-омонлик, оилаларингизга
тотувлик, дастурхонингизга тўкинлик, файзу
барака тилаймиз.
Наврўз айёмингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!


«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ
пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларини кириб келаётган
Наврўз
байрами билан
қизғин муборакбод этади.
Хонадонингиз шодлигу қувончга тўлсин.
дастурхонингиз тўкин бўлсин, азизлар!


Муҳтарам юртдошлар, азиз тадбиркорлар!
Юртимизга қутлуғ қадами билан ташриф буюриб,
қалбларимизга баҳорий илиқлик бағишлаётган
Наврўзи олам
барчангизга муборак бўлсин.
Орзу-ниятларингизнинг ижобати дилларингизни хушнуд этсин!
Mirob
«ELIT POLIMER» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ


«Матбуот тарқатувчи»
Акциядорлик компанияси жамоаси
Барча юртдошларимизни
меҳр ва мурувват,
нафосат ва гўзаллик
айёми — Наврўзи олам
байрами билан самимий
муборакбод этади.
Хонадонларингиздан меҳру оқибат,
файзу барака аримасин.
Барча орзу ниятларингиз рўёбга
чиқишига тилакдошмиз!
Севимли газета ва
журналларингизга обуна бўлинг!


«ARCHIE PLUS FABI» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ БАҲОР,
ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
БИЛАН САМИМИЙ ТИЛАКЛАР ИЛА ҚУТЛАЙДИ.
Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, бахт-саодат ёр бўлсин.


ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
Яратиш ва яшнатиш айёми –
НАВРЎЗ БАЙРАМИ
билан сизларни самимий қутлаймиз.
Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик йили ҳамкасбларимизга
омадли келиб, меҳнатлари муваффақиятидан
баҳраманд бўлишларига тилакдошмиз.
Rezalit
ЭМАЛЬ
«REZALIT COLOR»
Rezalit
масъулияти чекланган жамияти жамоаси
Маҳсулотлар сертификатланган


ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР
ВА АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
Элимизни қут-баракага тўлдириб кириб келаётган
Наврўзи олам шодиёналари ҳаммангизга муборак бўлсин.
Қалбларингиз доимо баҳор гулларидек яшнасин.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ
ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ


«E'TIQOD» хусусий корхонаси жамоаси
барча юртдошларимизни,
қалби меҳнат иштиёқи билан тўла тадбиркорлар
ва ҳамшаҳарларимизни меҳр-оқибат,
саховат ва гўзаллик байрами —
умрбоқий Наврўзи олам билан
чин дилдан табриклайди.
Ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат,
тўкин дастурхон ҳамроҳ бўлсин!
Маҳсулотлар сертификатланган


АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
Яшариш ва янгиланиш айёми
бўлмиш Наврўзи олам
барчангизга қутлуғ бўлсин.
Баҳор ойининг ушбу фараҳбахш
кунларида дилингизга туғиб
қўйган энг эзгу ниятларингизнинг
рўёбга чиқишига тилакдошмиз.
«БЕК ГАРАНТ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Серқуёш заминимизга файзу тароват бахш этган ҳолда кириб келаётган баҳорий байрам —

## Наврўзи олам

барчангизга муборак бўлсин. Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни қут-барака тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

«БЕКТЕМИР НОРУДА МАТЕРИАЛЛАРИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

---

«Маҳалла» жамғармаси Учтепа туман бўлими жамоаси

шаҳримиз аҳли ва меҳмонларини

## Наврўзи олам



билан самимий табриклайди.

Дилларга қувонч, фарахбахш кунлар шуурини улашаётган янгиланиш ва яшариш айёмида меҳру муҳаббат, саховат ва жамики эзгу ниятлар барчангизга йўлдош бўлсин.

Кўклам ойининг кўркам фасли ўз қадамларида тўкинлик, файзу барокат ва омонлик олиб келсин.

**Наврўзингиз муборак, азизлар!**

---

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни *Наврўз* байрами билан муборакбод этамиз!

Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!




*Фурсатдан фойдаланиб, қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:*

*— газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;*

*— ностандарт газ асбобларидан, резина ичаклардан фойдаланиш ва ўзбошимчалик билан газ тармоқларига уланиш кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин;*

*— газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;*

*— агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария диспетчерлик хизматига ёки «Тошкентшаҳаргаз» марказий авария диспетчерлик хизматига (04; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31) мурожаат қилинг.*

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шаҳримиз газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш ишларини бажаришга имконият яратади.

Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин, ҳамиша хурсандчилик ва байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

«Тошкентшаҳаргаз» маъмурияти

---

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Юртимизга файз-тароват ила кириб келаётган



## НАВРЎЗИ ОЛАМ

шодиёналари барчангизга муборак бўлсин. Кутлуғ байрам хонадонимизга қут-барака, олам-олам қувончу шодлик ва тўкинлик келтирсин.

Мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин.

«МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ОЛМАЗОР ТУМАН БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

---

**«MARKOS» SAVDO UYI ЖАМОАСИ**

Юртимиз аҳлини ва шаҳримиз меҳмонларини

## Наврўзи олам

билан самимий табриклайди.

Азизлар! Яшариш ва янгиланиш айёми барчангизга муборак бўлсин. Заминимиз узра тинчлик куйлари янграб, дастурхонимиз янада тўкин, хонадонларимиз файзу барокатли бўлсин.



НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК!

---

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕН**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

